

**Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик
ташкилоти**

Манзил: Кашкадарё Вилояти, Карши шаҳри, 730000, Насаф кучаси 19-уй. Тел: ++99891,453,79,14.
Банк: Кишлоқ қурилиш Карши Ш., код МФО 00155, Х/р. 20208000604347269001 СТИР: 205192434, ОКОНХ 84400
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2009 йил 15 октябр
кундаги №-00614-сонли лицензиясига эга.

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

“NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQRISHNI TA’MIRLASH” АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги, фойда ва зарарлар тўғрисида, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинган молиявий ҳисоботлари аудит текширувини ўтказдик.

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Таъминланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самаралорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун старлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQRISHNI TA’MIRLASH” АЖ нинг 2017 йил 31 декабрь санасига бўлган молиявий ҳолатини унинг молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

МЧЖИ «HOMBUR-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти
директори:

Сана 20.04.2018 й.
Муборак тумани.



Ш.Жовлиев